

## Мактабгача ёшдаги ичак паразитозли болаларда микронутриентлар танқислиги ҳолатини алгоритмли аниқлаш ва даволаш

Фируза Саломовна Саидова  
Иброҳим Ҳасан ўғли Қаҳҳоров  
Самарқанд давлат тиббиёт университети

**Аннотация:** Ичак паразитозлари бутун дунё бўйлаб болалар орасида энг кўп учрайдиган махсус тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ичак паразитозли болалар орасида учрайдиган микронутриент танқислиги ҳолати асоратли касалликларга олиб келиши билан хавфли бўлиб эрта ташҳислаш ва даволаш амалий аҳамиятга эга. Хавф гуруҳларини дори-дармонлар билан таъминлаш, ичак гельминти инфекцияларининг интензивлигини пасайтиради. Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида ичак қуртларини даволаш мактабгача таълим муассасаларида мавсумий амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** ичак паразитозлари, микронутриентлар, мактабгача ёшдаги болалар, танқислик

## Algorithmic detection and treatment of micronutrient deficiency in preschool children with intestinal parasitosis

Firuzha Salomovna Saidova  
Ibrahim Hasan oglu Kahhorov  
Samarkand State Medical University

**Abstract:** Intestinal parasites remain one of the most common problems of special medical, social and economic importance among children worldwide. Micronutrient deficiency among children with intestinal parasitosis is dangerous and causes complications, so early diagnosis and treatment are of practical importance. Providing drugs to risk groups reduces the intensity of intestinal helminth infections. Treatment of intestinal worms among children of preschool age is carried out seasonally in preschool educational institutions.

**Keywords:** intestinal parasites, micronutrients, preschool children, deficiency

*Қирши.* Микротунриентлар етишмаслик ҳолати ичак паразитози бўлган мактабгача ёшдаги болалар орасида кенг тарқалган ва боланинг жисмоний, ақлий ривожланишининг айна шу ёшидаги ўзгаришларга салбий таъсир қилади. Ичак паразитозларининг хусусиятларидан бири бола организмида паразитлик қилиш ва даврий қайта фаолланиши, ривожланиши билан инсон организмида узок вақт қолиш қобилятига эгадир. Айтиқса болалар орасида ляблиоз ва энтеробиоз билан зарарланиш ҳолатлари тез-тез дан кейинги микронутриентлар танқислиги учраб учрайди.

ЖССТ [2017] маълумотларига кўра, аскаридоз жуда паст ҳароратли (қутб ва субполяр) ва кучли куруклик билан ажралиб турадиган ҳудудлардан ташқари бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб у ёки бу даражада барча мамлакатлар аҳолисига таъсир қилади. Аскаридоз, айтиқса, йиллик ёғингарчилик 100 мм ва ундан кўп бўлган тропик ҳудудларда кенг тарқалган. Эрта ёшли болалардан бошлаб деярли барча болалар ва катта ёшли аҳолининг 50% дан ортиғига аскаридоз таъсир қилади. Тричуриазлар асосан тропик ва субтропик мамлакатларда ва нам мўтадил минтақаларда кенг тарқалган. Ҳозирги кунда дунёда тричуриаз билан касалланганлар сони 800 миллионга яқин, асосан 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда касалланиш кўпроқ кузатилади.

Тропик ва субтропик зона аҳолисининг болаларида инвазия 40-50 % аниқланади. Кўпгина микроэлементлар танқислиги, жумладан темир танқислигининг гельминтлар билан боғлиқлиги етарлича ўрганилганлигига қарамасдан унинг болаларда учраш даражаси, клиникаси, ташхиси, даволаш ва профилактикаси ҳозиргача етарлича ўрганилмаган. Кузатишларнинг кўрсатишича гижжалар инвазияси овқат ҳазм қилиш бузилишига, камқонлик даражаси ортиши, шунингдек ақлий ва жисмоний ривожланишда ортда қолишга олиб келиб болалар соғлиғига катта зарар келтиради. Гельминтоз Ўзбекистонда кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланиб паразитар касалликлар умумий сонини 90% дан ортиғини ташкил қилади (Абдиев Ф.Т., 2007). Маълумки айрим касалликлар профилактикасида умумдавлат дастурининг мавжуд бўлмаслиги давлат ва жамиятга иқтисодий ва ижтимоий зиён келтиради. Хусусан Ўзбекистон учун камқонликдан зарар йилига 153,9 млн долларни ташкил этмоқда (Каримов Х.Я., Сулейманова Д.Н., 2010).

Камқонликни келиб чиқишига бевосита микронутриентлар: темир, рух, кобальт, марганец, мис, А витамини, В гуруҳ витаминлари, В12 витамини ва фолий кислотаси етишмаслиги таъсир этади. Болалик ёшида камқонликнинг барча шаклининг 95% ни темир танқислиги камқонлиги ташкил қилади. Болаларда темир танқислигининг асосий сабаби унинг озуқа билан бирга организмга етарли миқдорда тушмаслиги ва ичак шиллик қавати орқали сўрилишининг бузилиши ҳисобланади (Скальный А.В., Яцкк Г.В., 2002)

Х.Н.Халафли (2010) маълумотларига кўра болалар ўртасида гелминтозлар тарқалишининг ижтимоий-эпидемиологик таҳлили шуни кўрсатадики, ичак паразитозидаги эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашиши ижтимоий омилларга боғлиқ, яъни шаҳар шароитидаги бу зарарланишлар ижтимоий қарамлик характериға эға бўлди. Болалар, уларнинг ота-оналари ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровлар асосида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, тақсимотға оилаларнинг моддий фаровонлиги, уларнинг уй-жой-коммунал шароитлари, маданий-гигиеник даражаси каби омиллар таъсир кўрсатади. Умуман олганда, 284 нафар соғлом боланинг 192 нафари (67,6+2,8%) моддий даражаси ўрта ва юқори бўлган оилалардан, гелминтозлар билан касалланган 288 нафар боланинг 207 нафари моддий даражаси паст бўлган (71,9+2,7%,  $\chi^2=1,23$ ,  $p>0,05$ ) оиладандир. Жуда паст ва паст материал даражаси билан жуда кучли ижобий, коррелятив қарамликка эға бўлган оилаларда болалар сонининг кўпайиши билан касалланган болалар улуши ортади ( $r=+0,90+0,08$ ) - 21,4+3,9% дан 75,4+5,8% гача ( $\chi^2=40,32$ ,  $p<0,01$ ).

Ишнинг мақсади: Бизнинг текшириш обектимиз Самарқанд вилоятининг турли худудларида шаҳар ва чека худудларда 2-6 ёшли мактабгача ёшдаги ичак паразитозлари билан касалланган болалар орасида микронутриентлар танқислиги ҳолати аниқланган 134 нафар болалар кузатуви бўлди 2-6 ёшли болаларнинг анамнези, клиникаси ва лаборатор инструментал текшируви ҳисобланади.

Натижалар: Ишни амалға ошириш учун болаларнинг амбулатория карталари (Ф№ 026/у) ишлатилган. Болаларнинг умумий аҳволи ўзимиз ишлаб чиққан болаларнинг паразитлар билан зарарланганлиги ва микронутриент етишмаслигик ҳолатини баҳолаш алгоритми ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.

Барча беморлар 2 та гуруҳға бўлинди. 1-асосий гуруҳ 100 та беморни ташкил этади, 2- гуруҳ назорат гуруҳи 34 та бемор

Тадқиқодимиз давомида олдимизға қўйилган масалаларни ҳал қилишда 2021 ва 2023 йиллар давомида турли иқлим шароитларда, Ўзбекистоннинг тоғ олди худудларига кирувчи ва ёз ойлари Республиканинг бошқа худудларига нисбатан 4-5 даражаға пастроқ бўлган мўтадил иқлимға қарашли Самарқанд вилояти Урут тумани худудига кирувчи Баҳрин ҚВПға қарашли худудда жойлашган 47-МТМ тарбияланувчилари, Республикамиз худудининг юмшоқ арид зонасига (ёзда қуруқ ва иссиқ ҳарорат кузатилади, табиий сув хавзаси мавжуд эмас) кирувчи худудда жойлашган Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 20-МТМ тарбияланувчилари ва Самарқанд шаҳар ИНТЕЛЛЕКТ НМТТ тарбияланувчилари орасидан орасидан асосий гуруҳ учун 100 та болани,

назорат гуруҳи учун 34 та, жами 134 та болада кузатув ва текширувлар олиб бордик.

Асосий гуруҳ сифатида Ичак паразитозлари билан зарарланган болаларда микронутриентлар танқислиги ҳолати кузатилган жами 100 та бола оналари розилиги асосида текширувга олиниб, уларни вилоятлар кесимида таққослаганимизда 48 та (48%) Ургут тумани, 43 та (43%) Пайариқ тумани ва 9 нафар (9 %) Самарқанд шаҳар ҳисобига тўғри келади.



Барча текширилувчиларда жами 134 та болаларда хавф омилини аниқлаш ва даволаш турини танлашга индивидуал ёндашиш мақсадида ўзимиз ишлаб чиққан, беморларда микронутриент танқислигини эрта аниқлашга қаратилган 10 та саволлардан иборат бўлган анкета сўровномаси ўтказилди.

Анкета сўровномасидаги ҳар бир савол учун “ҲА” жавоби - 1 балл, “ЙЎҚ” жавоби - 0 қийматда баҳоланади. Тўпланган баллар асосида болалар хавф гуруҳларга ажратилиб олинади. Олинган натижаларни таҳлил қилдик.

№	Касалликга мойиллик гуруҳлар	Қиз болалар	%	Ўғил болалар	%	Жами
1	Паст мойиллик (1-3 балл)	3	15	2	16,7	5
2	Ўртача мойиллик (4-7 балл)	6	30	2	16,7	6
3	Юқори мойиллик (8-10 балл)	9	45	5	41,6	16

Хулоса:

Ишлаб чиқилган ичак паразитозларига мойилликни ва унинг асоратларини аниқлаш алгоритм қуйидаги афзалликларга эга:

- алгоритм ва саволнома-картаси болаларда лямблиоз ва энтеробиоз инвазиясини эрта аниқлаш имконини беради.

- Ишлаб чиқилган алгоритм ва саволнома-картаси ёрдамида болаларда постпаразитар микронутриент танқислигига мойиллик даражасини аниқлаш мумкин.

- Ишлаб чиқилган алгоритм ва саволнома-картаси ноинвазив тадқиқот усули бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиётининг бирламчи бўғинида қимматбаҳо биокимёвий текшитришларсиз паразитар инвазияга чалинганлик эҳтимолини ва

постпаразитар микронутриентлар етишмовчилигига мойилликн даражасини аниқлашда катта иқтисодий самара беради ҳамда ҳаёт сифатини яхшилади.

•Алгоритм ва саволнома-картаси қўллаш натижалари асосида постпаразитар инвазияларда келиб чиқадиган микронутриентлар етишмовчилигини билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ўз вақтида коррекция қилиш ва профилактик чоралар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Rasulov S. et al. Grape Shiny For Prevention And Nutritional Support Of Micronutrient Deficiency In Mothers And Children //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 07. – С. 2020.
2. Мамасолиева Ш. А., Болгаев А. Б., Саидова Ф. С. Обобщение теоретических положений по оценке социально-экономической эффективности медицинских услуг и их качества //Молодой ученый. – 2020. – №. 4. – С. 199-203.
3. Расулов С. и др. ВЛИЯНИЕ ВОДНОГО ФАКТОРА НА РАЗВИТИЕ ДЕФИЦИТА МАКРО-И МИКРОЭЛЕМЕНТОВ У ДЕТСКОГО И ВЗРОСЛОГО НАСЕЛЕНИЯ //Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. – 2021. – Т. 2. – №. 3.1. – С. 101-105.
4. Kudratovna A. N. et al. INFLUENCE OF EMBRYOTOXIC FACTORS ON THE FRUIT //Process Management and Scientific Developments. – С. 94.
5. Salomovna S. F., Utkurovna S. G., Ablakulovna A. G. ДЕФИЦИТ МИКРОНУТРИЕНТОВ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА //JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE. – 2022. – Т. 7. – №.
6. Самиева Г. У., Рустамова Г. Р. ИНФЕКЦИОННЫЕ АГЕНТЫ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ТОНЗИЛЛИТЕ У ДЕТЕЙ //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2022. – Т. 1. – №. 24. – С. 386-387.
7. Расулов С. К. и др. МИКРОНУТРИЕНТНАЯ НЕДОСТАТОЧНОСТЬ В СИСТЕМЕ «МАТЬ-РЕБЕНОК»: РАННЯЯ ДИАГНОСТИКА И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРОФИЛАКТИКИ НАЦИОНАЛЬНЫМИ ФАРМАКОНУТРИЕНТНЫМИ ПРОДУКТАМИ //ЖУРНАЛ ГЕПАТО-ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-2.
8. Каримова Н. А. и др. НАРУШЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ У ПОДРОСТКОВ И ОСЛОЖНЕНИЯ РЕПРОДУКТИВНОЙ ПАТОЛОГИИ //Новый день в медицине. – 2021. – №. 1. – С. 199-202.
9. Jalilova F., Yuldasheva F. TEMIRNING ORGANIZM UCHUN ANAMIYATI. BOLALARDA TEMIR TANQISLIGI ANEMIYASI OZIGA XOSLIGI //Journal of Integrated Education and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 48-52.